

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“СОЛИҚЛАР ВА СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.2(575.1)*

**МУҲАММАДИЕВ ФАРИДУН МУРОДУЛЛОЕВИЧ
ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ
КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**60410200 - “Солиқлар ва солиққа тортиш”
мутахассислиги бўйича**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

Диссертация

**Илмий раҳбар:
доц. Носиров Жасур Турсунпулатович**

Тошкент-2023

Магистрлик диссертация иши “Солиқлар ва суғурта иши”
кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

_____ -сонли баённома “ _____ ” _____ 2023 йил.

Кафедра мудирини: проф. Б.К. Тухлиев

Б.К. Тухлиев

29.05.2023

Илмий рахбар: PhD, доц. Ж.Т. Носиров

Ж.Т. Носиров

29.05.2023

Талаба: Ф.М. Мухаммадиев

29.05.2023

“ _____ ” Диссертацияни “Молия ва бухгалтерия хисоби” факультетида 2023 йил
“ _____ ” № _____ рақам билан рўйхатга
олинди.

Декан _____ проф. А.У. Бурханов

АННОТАЦИЯ

Республикамизда олиб борилаётган иктисодий ислохотлар, жумладан иктисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг аҳамияти бекиёсдир, улар ёрдамида давлатнинг иктисодий ижтимоий дастурларини амалга оширишга замин яратилади. Тизимни такомиллаштириш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш устидан маъмурият ва назорат қилиш мамлакат бюджет тизими даромадларни оширади. Илмий ишнинг амалий аҳамиятини ошириш учун, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида фаолият юритаётган корхоналар мисолида таҳлил қилинди ва ривожлантириш хусусиятлари буйича алоҳида изланиш олиб борилди. Тадқиқот натижасида солиқ тўловчи юридик шахсларнинг солиқ қарзини қисқартириш ва янги қарздорликларни пайдо бўлишини олдини олишга эътибор бериладиган муҳим масалалардан бири эканлигини ҳисобга олиб илмий изланишларни олиб борилди.

***Калит сўзлар:** Солиқ тўловчи, солиқ қарзи, солиқ тўловлари, корхоналар тўлайдиган солиқлар, боқиманда, камерал назорат, устама, солиқ тўловларига лаёқатлилиқ.*

ANNOTATION

In the context of the economic reforms carried out in our republic, including the liberalization of the economy, solikdar's Achaemenid is the largest, with the help of which the ground is laid for the implementation of the economic social programs of the state. Improving the system administration and control over the collection of taxes and other mandatory payments the country's budget system increases revenues. To increase the practical significance of the scientific work, it was analyzed on the example of korhonas operating in the tax system of the Republic of Uzbekistan, and a special study was carried out on the specifics of development. As a result of the study, scientific research was carried out on the assumption that tax payers are one of the most important issues that are paid attention to reducing the tax debt of legal entities and preventing the emergence of new debts.

Keywords: taxpayer, tax debt, tax payments, taxes paid by enterprises, immortality, camera control, surcharge, tax eligibility.

МУНДАРИЖА

Аннотация.....	3
Мундарижа.....	5
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	7
Келтирилган расмлар рўйхати.....	8
I.Боб. Кириш.....	9
1.1 Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	11
1.2 Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	12
1.3 Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	14
1.4 Тадқиқот объекти ва предмети.....	14
1.5 Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	14
1.6 Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	15
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.....	16
2.1 Кириш.....	15
2.2 Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шархи.....	15
2.3 Мавзуга оид маҳаллий меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар шархи.....	19
Хулоса.....	22
III. БОБ.МЕТОДОЛОГИЯ.....	23
3.1 Тадқиқот дизайни.....	23
3.2 Маълумотларни тўплаш жараёни.....	23
3.3 Таҳлил учун қўланилган усуллар.....	24
3.4 Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	26
3.5 Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими.....	26
3.6 Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	30
IV. БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.....	31
4.1 Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлиги динамикаси ва ўзгариш тенденциялари.....	31
4.2 Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини ундириш механизми ва уни амалдаги ҳолатини таҳлили.....	39

4.3 Банкротлик ҳолатидаги юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	46
4.4 Солиқ қарздорлигини ундиришда илғор хориж тажрибаси ва уларнинг ижобий томонларидан фойдаланиш йуналишлари.....	58
4.5 Юридик шахслар солиқ қарздорлигини қисқартириш ва ундиришни такомиллаштириш масалалари.....	66
V. БОБ. ХУЛОСА.....	78
5.1 Тадқиқот саволига тегишли натижаларининг қисқача ифодаси.....	78
5.2 Тадқиқотнинг асосий тақлиф ва тавсиялари.....	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	86

I БОБ. КИРИШ

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустакил солиқ сиёсати яратилди, унинг тактика ва стратегияси аниқланиб, ҳозирги кунда изчил такомиллаштирилиб боришмоқда.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан яқин йиллар давомида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар шу жумладан солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганини кўриб турибмиз. Сўнги икки йил давомида давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев “2019 йилдаги янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилганлиги, натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди. Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ортиқча тўланган ёки солиқ органи томонидан асоссиз ундирилган солиқ тўловлари ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фойз ҳисоблаган ҳолда ҳисобрақамига қайтариб берилади.” – дея таъкидлади.¹.

Республикамизда олиб борилаётган Иқтисодий ислохотлар, жумладан Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқдарнинг аҳамияти бекиёс каттадир, улар ёрдамида давлатнинг Иқтисодий ижтимоий дастурларини амалга оширишга замин яратилади.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чуқур ва пухта уйланган изчил солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш оркали таъминланади. Ушбу сиёсат, авваламбор, Иқтисодиётда солиқ юкини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил.